БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 76 (5067).

5

АПРЕЛЬ 1983 й.

СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия тарихидаги шонли санани муносиб кутиб оладилар ва уни улуғ социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг тантанаси йўлида янги меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар, деб ишонч билдиради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

РСДРП ИККИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Бундан 80 йил муқаддам — 1903 йил 30 июлда РСДРПнинг иккинчи съезди очилди. Съездда большевистик партия тузилган эди. Съезд Россия революцион марксистик ташкилотларнинг Владимир Ильич Ленин ишлаб чиққан ғоявий, сиёсий ва ташкилий принциплари негизидаги бирлашиши жараёнини ниҳоясига етказди. Янги типдаги партия — ишчилар синфи партияси, илмий коммунизм партияси, социалистик революция ва коммунистик бунёдкорлик партияси тарих майдонига чиқди.

Ленин партиясининг тузилиши ижтимоий тараққиётнинг қонуний натижаси бўлди. Россия ва халқаро пролетариат озодлик курашининг бурилиш нуқтасига айланди. XIX аср охири ва XX аср бошларида капитализм империалистик босқичга қадам қўйдики, бу босқич барча социал-иқтисодий зиддиятларни ғоят кескинлаштириб юборди. Мазкур зиддиятлар Россияда фавқулодда куч билан намоён бўлди, мамлакатда бу зиддиятлар чоризмнинг сиёсий, маънавий ва миллий зулми билан чуқурлашди. Жаҳон революцион ҳаракатининг маркази Россияга кўчди. Ишчилар синфи буржуазия ва помешчиклар тузумига қарши курашга отланди, меҳнаткашдеҳқонларнинг ғалаёнлари кучайиб борди. Мамлакатда марксизмнинг кенг ёйилиши жараёни интенсив тарзда борди, унда «Меҳнатни озод қилиш» группаси кўзга кўринарли роль ўйнади. Ишчилар ҳаракатини илмий социализм билан қўшиш вазифаларини пролетар революцион партияга бўлган объектив эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Партиянинг барпо этилиши гениал мутафаккир К. Маркс билан Ф. Энгельс буюк ишининг издоши ва давомчиси бўлмиш В. И. Ленининг жуда катта назарий ва амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. В. И. Ленин уларнинг таълимотини империализм ва пролетар революциялари даври шароитларига татбиқан ривожлантирди, социализмнинг дастлаб алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарди, революцион тажрибани умумлаштириш ва атрофлича таҳлил этиш асосида ишчилар синфи озодлик ҳаракатининг туб масалаларига жавоб берди. В. И. Ленин оппортунизм ва реформизмнинг қаттиқ қаршилигини бартараф эта бориб, чинакам революцион партиянинг зарурлигини илмий асосда исботлади ҳамда унинг ташкил этилиши учун курашга бошчилик қилди.

1895 йилда В. И. Ленин ташкил қилган «Ишчилар синфини озод этиш учун кураш союзи» ана шундай партиянинг куртаги бўлди. РСДРПнинг 1898 йилда бўлиб ўтган I съезди партияга асос солинганлигини эълон қилди, аммо у ягона марказлашган ташкилот сифатида ҳали вужудга келмаган эди. Бу вазифани Ленининг «Искра»си тайёрлаган иккинчи съезд адо этди. «Большевизм, — деб қайд қилган эди В. И. Ленин, — сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуд». (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 7-бет).

Большевистик партия II Интернационал партияларидан принцип жиҳатидан фарқ қилар эди. Бу партиялар революцион иш олиб боришга қодир эмас эдилар. Янги типдаги партияга у тузилган пайтдан бошлаб хос бўлган ҳамда ўшандан кейинги ривожланиш давомида аниқ шакл олган характерли белгилар ва хусусиятлар шундан иборатки, у:

марксча-ленинча таълимотга амал қилади ҳамда уни ижобий тарзда ривожлантириб боради, революцион назария билан революцион практиканинг узвий бирлигини таъминлайди;

ишчилар синфининг коллектив сиёсий йўлбошчиси, унинг ташкилотининг олий формаси, барча меҳнаткашларнинг авангардидир; омма билан чамбарчас алоқа — унинг битмас-туганмас кучи манбаидир;

ўз фаолиятини демократик централизм асосида ташкил этади, ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини, онгли интизомни донмо мустаҳкамлайди, партия аъзоларининг активлигини кучайтириб боради;

фракциячилик ва группабозликнинг ҳар қандай турига, ревизионизм, оппортунизм ва догматизм кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади;

ўз революцион-ўзгартувчилик фаолияти, ўз сиёсати натижаларини танқидий таҳлил этади, халқаро коммунистик ҳаракат тўпланган тажрибани муттасил ўрганади, унга баҳо беради ва ундан фойдаланади;

пролетар интернационализми принципларини изчил равишда амалга ошириб боради.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган большевиклар партияси Россиядаги учта революцияда пролетариатнинг ва унинг иттифоқчиларининг озодлик курашига бошчилик қилди ҳамда меҳнаткашлар оммасини Октябрь ғалабасига олиб келди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсониятнинг тарихий тақдирида тубдан бурилиш ясади, янги даврни — капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди.

Социалистик революция ғалаба қилиши билан партия олдида дунёдаги биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини, пролетариат диктатураси давлатини қуриш ва ҳимоя қилиш вазифалари кўндаланг бўлиб турар эди. Коммунистик партия бошчилик қилган совет кишилари ички контрреволюция ва халқаро империализмнинг бирлашган кучларини тор-мор келтириб, Гражданлар урушини ғолибона ниҳоясига етказиб, социализм қуришдан иборат ленинча планни амалга ошириш борасида ғоят улкан ишларни бошлаб юбордилар. Вайроналик, капиталистик давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий қамали шароитида Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари туб ўзгартиришларни: социалистик индустриаллаштиришни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга оширдилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилиши, мамлакат барча миллатлари ва элатлари экономикаси ҳамда маданиятининг ҳар тарафлама юксалтирилиши пролетар интернационализми ғояларининг тантанаси бўлди.

Партия билан халқнинг революцион-ўзгартувчилик фаолияти натижасида СССРда социализм қурилди. Янги тузум инсоният тарихида биринчи марта ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини қарор топтирди, синфий ва миллий антагонизмларга, эксплуатация ва ишсизликка хотима берди, чинакам озодлик келтирди, моддий ва маънавий маданият ютуқларини меҳнаткашларга хизмат қилдирди. Капитализмдан социализмга ўтиш даврининг тугалланиши ҳамда социалистик турмуш уклади нинг мустаҳкамланиши билан мамлакатда тенг ҳуқуқлили, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари вужудга келди, халқнинг маънавий-сиёсий бирлиги қарор топди, марксизм-ленинизм совет жамиятининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолди.

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида партия немис-фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди. Унинг раҳбарлигида совет кишилари оламшумул-тарихий ғалабага эришдилар, дунё халқларини фашистлар асорати хавфидан сақлаб қолдилар. Урушдан кейинги даврда мамлакат қисқа муддат ичида уруш қолдирган оғир жароҳатларни даволади ҳамда экономика ва маданият соҳасида янги-янги ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди.

СССРда ривожланган социализм қурилиши — Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи бунёдкорлик фаолиятининг асосий якунидир. Мамлакатимиз коммунистик формациянинг қарор топишидаги ана шу қонуний ва тарихан узоқ муддатга чўзилувчи босқичнинг бошланишида турибди. Ҳозирги шароитда партия билан халқ фаолиятининг асосий мазмуни ривожланган социализмни такомиллаштириш бўлиб, ана шу такомиллашув давомида аста-секин коммунизмга ўтиб борилади. Бу ҳол ишлаб чиқарувчи кучларни тағин ҳам юксалтиришни, коллективистик ижтимоий муносабатларни, Совет давлатчилиги ва демократияни, социалистик онгни, фан ва маданиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тақозо этади. Партия жамиятимизнинг реал ҳаракатда эканлигини кўриш зарурлигини, унинг муваффақиятлари ва проблемаларига, имкониятлари ва эҳтиёжларига тўғри баҳо бериш зарурлигини уқтирмоқда.

КПСС XXVI съезди ўн биринчи беш йилликка ва умуман 80-йилларга мўлжалланган вазифаларни белгилаб берди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, уни интенсивлаштириш йўлини амалга ошириш — партиянинг диққат-марказида турибди. Фан-техника тараққиёти суръатларини бутун чоралар билан тезлаштиришга ҳамда қўл меҳнатининг улушини қисқартишга, ресурсларнинг ҳамма турларини тежаб-тергаб ва оқилона ишлатишга, капитал маблағлар самарасини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йилги май Пленуми қарори, Озиқ-овқат программаси партиянинг ҳозирги аграр сиёсатининг янги босқичидир. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, агросаноат комплексини ривожлантириш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш проблемаларини ҳал этиш томон янада чуқурроқ бурилиши амалга оширилмоқда.

Партия қўлга киритилган муваффақиятларга муносиб баҳо берар экан, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларни ҳам кўриб турибди, меҳнаткашларни ана шу камчиликларни бартараф этишга сафарбар қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқида экономиканинг аҳволи чуқур таҳлил этилган, резервлар очиб берилган, етилган проблемаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган. Меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланганки, меҳнат унумдорлиги В. И. Ленининг ибораси билан айтганда, пировард натижада янги ижтимоий тузумнинг талаба қилиши учун энг муҳим, энг асосий нарсадир. Индустрияни, айниқса унинг база тармоқлари бўлмиш ёқилғи-энергетика комплексини, темир йўл транспортини, қора металлургияни, капитал қурилишни янада ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда. Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат молларига бўлган талабларини янада тўлароқ қондириш вазифаси қўйилган. Экономикага раҳбарликнинг бутун соҳасини — бошқаришни, планлаштиришни, хўжалик механизмини такомиллаштириш ишини жадаллаштириш лозим бўлади.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсади — халқ турмуш даражасини оғишмай юксалтириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун шароит яратишдир. Совет кишисининг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш партиямизнинг бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. КПСС моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг мунтазам такомиллаштирилиши йўлини амалга оширмоқда, социалистик тақсимот принципларини изчил қарор тондиришга эриша бормоқда, иш ҳақи меҳнат унумдорлиги илдамроқ ўсиб бориши асосидагина ошиши мумкинлигини уқтирмоқда. Ишга ҳалол муносабатда бўлмаслик, техникҳўрлик, меҳнат қилмай даромад олиш ва тузумимизнинг табиатига ёт бўлган бошқа ҳолатларга қарши кураш олиб боришга принципиал аҳамият берилмоқда. Партия фақат меҳнат ва унинг натижаларигина ҳар бир киши фаровонлигининг манбаи бўлмоғи лозим, деб таъкидлайди.

Партия қўйган вазифаларни бажариш ишчидан тортиб то министргача — ҳамма меҳнаткашларнинг топширилган участка учун масъулиятини оширишни, халқ хўжалигининг барча бўғинларида тартиб ўрнатиш ва уюшқоқликни, план, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашни талаб этади. Иш манфаатлари меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий этиш, илғор тажрибани кенг ёйиш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш заруратини тақозо этади.

Мамлакатда барча синфлар ва социал группаларнинг яқинлашувидан иборат объектив жараён бормоқда. Партия ва давлат социал бир хилликни кучайтиришга ёрдам бермоқдалар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат ходимлари билан жисмоний меҳнат ходимлари ўртасидаги муҳим тафовутларни янада йўқотиб бориш йўлини изчил тарзда амалга оширмоқдалар. КПСС жамиятимизнинг ривожланиши тажрибасига баҳо бериб, жамиятнинг синфсиз структурасининг қарор топиши асосан ва бутун бошлича етук социализмнинг тарихий доирасида содир бўлиши ҳақидаги илмий жиҳатдан асосланган хулосани чиқарди.

Ленин партияси миллий муносабатлар соҳасидаги муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бизга эксплуататор тузум мерос қилиб қолдирган шаклдаги миллий масала батамом ва узил-кесил ҳал этилди. Тарихда биринчи марта мамлакатнинг кўпмиллатли составчи унинг заифлиги манбаидан унинг қудрати ва гуллаб-яшнаши манбаига айланди. Кишилар янги тарихий бирлиги — совет халқининг ташкил топиши ва ривожланиши жамият социал ва интернационал бирлигининг олий ифодаси бўлди. ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилиш қардош халқлар бузилмас жипслигининг ёрқин намойишига айланди.

Бизнинг давлатимиздек кўпмиллатли йирик давлатнинг ривожланиши айни бир чоғда янги-янги жараёнлар ва проблемаларни келтириб чиқарадики, уларга муттасил эътибор бериш лозим бўлади. КПСС ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни ягона умуммиттифоқ халқ хўжалиги комплекси доирасида изчил такомиллаштиришни таъминлайди, ишчилар синфи миллий отрядларининг ўсиши ҳақида, барча миллатлар меҳнаткашларининг партия ва давлат органларида тегишли вакиллари бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилади, совет кишиларини халқлар дўстлиги ва қардошлиги руҳида, ўзининг ягона Совет Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Социалистик демократияни изчил равишда ривожлантириб бориш жамиятимиз тараққиётининг муҳим шартидир. Пролетариат диктатураси давлатининг умумхалқ социалистик давлатига ўсиб ўтиши социализм сиёсий системасининг ва халқ ҳокимиятининг ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга молик ўзгариш демакдир. СССРнинг янги Конституцияси совет демократиясини чуқурлаштириш, унинг форма ва методларини бойитиш учун қонунлардан иборат негиз яратди. Партия кенг оммани давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этиш, халқ депутатлари Советларининг, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг халқ хўжалиги ва социал вазифаларни ҳал этишдаги активлигини ошириш соҳасидаги ишни собитқадамлик билан олиб бормоқда. Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Партиянинг раҳнамолик фаолияти совет жамиятининг маънавий ҳаётига яхши таъсир кўрсатмоқда. Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказиш тугалланди, олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника таълимининг ягона системаси яратилдики, бу система халқ хўжалигини мутахассислар ва ишчиларнинг малакали кадрлари билан асосан таъминлаб турибди. Илм-фанга таяниш, унинг ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, фанни бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш — замонамизнинг характерли белгисидир.

Партия социалистик маданиятни ривожлантириш ҳақида қайғурмоқда, адабиёт ва санъат арбобларининг диққат-эътиборини партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан суғорилган юксак бадиий асарлар яратишга қаратмоқда. У кенг оммани маданий қурилишга фаол жалб этмоқда, кишиларнинг лаёқатлари ва истеъдодлари намоён бўлишига кўмаклашмоқда.

КПСС социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлар экан, жамият аъзоларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, уларда коммунизм идеалларига садоқат, мамлакатнинг хўжайини туйғусини, сиёсий ва ахлоқий маданиятни, буржуа идеологияси ва ахлоқига муросасизлик руҳини тарбиялаш вазифаларини қунт билан ҳал қилиб бормоқда. Сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг ғоявий-назарий ва ташкилий савиясини ошириш, унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш соҳасида иш олиб борилмоқда. Партия муваффақиятларимизни ишончли қилиб кўрсатишни, янги-янги проблемаларни жиддий таҳлил этишни, янги фикрлар ва сўзлардан фойдаланишни пропагандани такомиллаштириш йўли деб биладики, бундай пропагандага ҳамма вақт ҳаққоний ва реалистик, қизиқарли ва тушунарли, демак, янада таъсирли бўлиши лозим.

Халқимиз ўзининг ҳамма муваффақиятларини совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи, унинг сиёсий системасининг ўзаги бўлмиш КПССнинг кўпқиррали фаолияти билан ҳақли равишда боғлайди. У саксон йил мобайнида марксча-революционерларнинг кичик ташкилотидан эндиликда 18 миллиондан зиёд коммунисти бўлган қудратли жипслашган партияга айланди. КПСС ривожланган социализм шароитида бутун халқ партияси бўлиб қолиб, синфий характерини йўқотаётгани йўқ ҳамда ўз табиатига кўра, ишчилар синфининг партияси бўлиб қолмоқда. Совет жамияти ҳаётида Коммунистик партиянинг роли муттасил ошиб бормоқда.

Партия демократик централизм принципига, партия ҳаётининг ленинча нормаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминламоқда. У ана шулар асосида ўзининг сифат составини яхшилаш, партия сафларининг жипслигини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигини ошириш, уларнинг меҳнат коллективларидаги таъсирини кучайтириш масалаларини қунт билан ҳал этмоқда.

Партия кадрлар билан ишлаш соҳасида партия, давлат, хўжалик ва маданий-тарбиявий фаолиятнинг барча соҳаларида сиёсий жиҳатдан етук ва юксак ахлоқли, ишни яхши биладиган ва ташаббускор, ташкилотчилик лаёқатлари ва янгиликни ҳис этиш қобилияти бўлган кишилар туришига эришиб бормоқда. Принципиаллик ва талабчанликни оширишни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришни, ижрони контрол қилиш ва текширш системасини такомиллаштиришни, партия камчиликларни очиш ва бартараф этишнинг, партия ва давлат аппарати барча бўғинларида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашнинг ишончли воситаси деб билади.

КПСС ҳамма ерда ишнинг ленинча услубини — барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндашишни, оммага муттасил таянишни, юксак ишчанлик, конкретлилик ва талабчанликни, формализм, бюрократизм ва хўжакўрсинчиликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни таъминловчи ижодий услубнинг барқарор этилишига муҳим аҳамият бермоқда. Партия таъкидлайдики: ҳозирги кунда керакли нарса — баландпарвоз сўзлар эмас, балки ишчанлик кайфиятлар.

Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги совет жамияти енгилмаслигининг, социалистик Ватанимизни янада равнақ топтиришнинг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Коммунистлар ўзларининг авангардлик ролини қанчалик ошчил ва тўлиқ бажарсалар партиянинг омма билан алоқаси шунчалик мустаҳкам ва самарали бўлади. В. И. Ленин РСДРПнинг II съездида «Партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга» (Тўла асарлар тўплами, 7-том, 330-бет) даъват этган эди. Партия бугунги кунда ҳам ана шу васиятга содиқ бўлиб қолмоқда. КПСС ҳар бир коммунист партия улуғ идеаллари тантанаси учун фидокорона курашчи бўлиши тўғрисида, марксизм-ленинизм ғояларини, партия сиёсатини чуқур билиши, тушунишни ва амалга ошириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Партияга мансублик ҳеч қандай имтиёзлар бермайди, балки коммунистларнинг мамлакатда қилинаётган барча ишлар учун, социалистик қурилиш ва ижтимоий тараққиёт тақдири учун бирмунча юксакроқ масъулиятга эга эканликларини билдиради, холос.

Коммунистик партиянинг кучи шундаки, у ўзининг бутун фаолиятини, ҳар бир қадамини Маркс, Энгельс, Ленининг барҳаёт таълимотига қиёслайди, бу таълимот ижтимоий ривожланишнинг ғоят мураккаб саволларига бирдан-бир тўғри жавоблар беради, воқеликни билиш ва ўзгартиришнинг таъсирчан методи бўлиб хизмат қилади. Партия социал тажрибани ва юзага келадиган проблемаларни идрок этишни, марксизм-ленинизмнинг энг асосий принципларига астойдил содиқ бўлиб қолган ҳолда уни ижодий ривожлантиришни муҳим ва доимий актуал вазифа деб билади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ташкил этилган пайтдан буён пролетар, социалистик интернационализм принципларига муттасил амал қилиб келмоқда. Унинг бутун тарихи — миллий ва интернационал жиҳатларни чамбарчас қўшиб олиб боришнинг ғоят ёрқин намунасидир. Ҳозирги шароитда КПСС бир-бирига боғлиқ икки интернационал вазифани изчиллик билан ҳал этмоқда: ўз мамлакатида янги жамиятни муваффақиятли равишда барпо этмоқда, бу билан жаҳон озодлик ҳаракатининг боришига актив таъсир ўтказмоқда ва юзирги замоннинг революцион, прогрессив ҳаракатларига ёрдам ва мадад бермоқда.

Жаҳон социализми системаси ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди. Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги халқаро муносабатларнинг янги типи бўлиб, бу муносабатлар социалистик интернационализм принциплари — мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатларини, хусусиятлари ва анъаналарини тўла ҳурмат қилган ҳолда ўртоқларча ўзаро ёрдам, ғоявий бирлик, мақсадларнинг муштараклиги принциплари асосида қурилади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолияти, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программаларининг амалга оширилиши социализм мамлакатларининг қудратини мустаҳкамлаш ва уларни социал тараққий эттириш ишига хизмат қилади. Варшава Шартномаси ташкилоти социалистик ҳамдўстликнинг ишончли қалқонидир. Қардош мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари КПСС билан Совет давлатининг халқаро сиёсатида ҳамиша алоҳида, устун ўринни эгаллаб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари Коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида социализм қурилишида катта-катта муваффақиятларга эришдилар. Шу билан бирга янги тузумни такомиллаштириш қийин жараён бўлиб, у мураккаб халқаро вазиятда давом этмоқда. Империализм социалистик мамлакатларга муттасил тазйиқ ўтказиб, уларга қарши қўпорувчилик ишларини кучайтирмоқда, туҳмат ва бўҳтон кампанияларини ёппасига уюштирмоқда. Шундай шароитларда сиёсатдаги хатолар партиянинг раҳбарлик ролини оз бўлсада сусайтириш, идеология ишидаги нуқсонлар синфий душман томонидан социализм позицияларини заифлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Марксизм-ленинизм принципларига содиқлик, янги жамият қурилиши умумий қонуниятларини ва мазкур мамлакат хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш, марксчи-ленинчи партияларнинг омма билан қалин алоқаси — социалистик бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятли равишда амалга оширишнинг зарур шартидир.

КПСС билан Совет давлати мустамлакачиликни тугатиш учун олиб бораётган қатъий кураш, миллий-озодлик ҳаракатига ёрдам ва кўмак мустамлакачилик системаси емирилишига имконият яратди. Бизнинг партиямиз озод бўлган халқларнинг ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги йўлидаги курашини актив қўллаб-қувватлаб, социалистик йўлдан бораётган мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. КПСС қўшилмаслик ҳаракатини, унинг антиимпериалистик йўналишини, мустамлакачиликка, агрессияга ва уруш хавфига қарши, адолатли халқаро иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун олиб бораётган курашини юксак баҳолайди.

Халқаро ишчилар синфи революцион курашини, бутун демократик ва антиимпериалистик ҳаракатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Бизнинг партиямиз посоциалистик мамлакатлар ишчилар синфи ўзларининг энг муҳим манфаатлари учун, монополияларнинг зўравонлигига қарши, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган мардонавор кураши билан бирдамдир. КПСС халқаро коммунистик ҳаракат позицияларини, унинг тинчлик ва ижтимоий тараққиётни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосидаги жипслигини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Партия ғоявий душманларга, уларнинг реал социализмга қилаётган ҳужумларига қатъий зарба бермоқда. КПСС бошқа марксчи-ленинчи партиялар билан биргаликда ишчилар синфининг манфаатлари учун, меҳнаткашлар ҳокимияти учун курашда, социализм қурилишида Коммунистик партияларнинг раҳбарлик ролини камситишга, уларнинг бирлигига путур етказишга интилаётган ревизионизм ва оппортунизмга қарши актив курашиб келмоқда ва бундан буён ҳам актив курашаверади. Партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни ҳимоя қилиш ва қарор топтириш — барча коммунистларнинг интернационал бурчидир.

КПСС турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципига амал қилиб, тинчликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш учун изчил ва сабот билан курашмоқда. КПСС XXVI съездида қабул қилинган ва 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программаси инсониятни термо-ядро уруши хавфидан халос этиш, уни қуролланиш пойгасининг оғир юкидан халос этишнинг реал амалий йўлини кўрсатиб беради.

Партиямизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, Совет Иттифоқи кейинги вақтларда олға сурган, шунингдек, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгаши Сиёсий декларациясида олға сурилган катта-катта ташаббусларни халқаро жамоатчилик тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда. Совет кишилари бошқа мамлакатларда тинчлик учун, қуролланиш пойгасига қарши курашчиларнинг кенг авж олиб кетган оммавий ҳаракати билан бирдам экаинликларини изҳор қилмоқдалар.

КПСС, бутун совет халқи қардош партиялар билан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари билан, барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда империализмга ва аввало антикоммунистик «салб» юришини уюштиришга уринаётган, дунёга ядро уруши хавфини солаётган АҚШ милитаристик доираларига қарши қатъий курашмоқдалар.

КПСС ва Совет давлати халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ишини изчил ҳимоя қилиш билан бир вақтда империализм таркиб топган кучлар мувозанатини бузишга ва ҳарбий устунликка эришишга интилишдан воз кечмаган экан, СССРни, унинг иттифоқчилари ва дўстларини ҳимоя қилмоқ учун Совет Қуролли Кучларини барча зарур нарсалар билан таъминлаб туриш муҳим эканлигини биладилар. Коммунистик партия билан Совет давлати Ленин васиятларига амал қилиб, доимо юксак даражада ҳушёрлик кўрсатиб келмоқдалар, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар.

Ленин партияси босиб ўтган йўл — ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона кураш ва ғалабалар йўлидир. Мамлакат тақдирига ҳал қилувчи таъсир ўтказиб қолмай, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришини тубдан ўзгартириб юборган улуғвор ўзгаришлар Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилди. Совет халқи КПССни ўзининг синалган авангарди деб, ўзининг туб манфаатлари ифодачиси деб билмоқда, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини ягдиллик билан қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсатни амалга ошириш учун актив курашмоқда.

КПСС Марказий Комитети **қарор қилади:**

РСДРП II съездининг 80 йиллиги партиямиз билан совет халқи тарихидаги шонли сана сифатида кенг нишонлансин. Шу муносабат билан иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари, Қуролли Кучларнинг сиёсий органлари актив сиёсий ва ташкилотчилик ишларини авж олдириб юборсинлар. Бу ишлар партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, меҳнаткашларни КПСС теварагида тобора жипслаштириш, партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида, «СССРнинг ўтмиши йилликлари» мавзуидаги докладида, «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақоласида ҳамда бошқа нутқлар ва ҳужжатларда ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришга оммани сафарбар этиш белгиси остида ўтказилсин.

Идеологик, оммавий-сиёсий, ишларда куч-ғайрат илмий социализм ғояларини, партия тўғрисида марксча-ленинча таълимотни, КПССнинг жаҳоншумул тарихий тажрибасини пропаганда қилишга қаратилсин, бу иш К. Маркс туғилган кунининг 165 йиллигига ва вафот этган кунининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар билан чамбарчас боғлаб олиб борилсин. Совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган тарихий ғалабалари, КПССнинг кўп қиррали фаолияти, жамиятимиз ҳаётида унинг ортиб бораётган аҳамияти ёрқин ва ишонтирарли қилиб кўрсатиб берилсин. Меҳнаткашлар, хусусан ёшлар ўртасидаги тарбия ишида социализм учун кураш шонли анъаналардан кенг фойдаланилсин, коммунистлар билан комсомоллар партия тарихини яхши билишларига, унинг қарорлари ва сиёсатини қатъият билан муттасил амалга оширишларига эришилсин.

Москва шаҳрида партия II съездининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ўтказилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия тарихидаги шонли санани муносиб кутиб оладилар ва уни улуғ социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг тантанаси йўлида янги меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар, деб ишонч билдиради.

Тез қурамиз, тез ўзлаштирамиз

ИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШИБ

Қурилиш майдонидамиз. Бу ерда замонавий студентлар ётоқхонаси қад кўтарган, бинонинг ички ва ташқи томонларида сайқаллаш ишлари тезкорлик билан давом этяпти. Ҳув ана нарида бир тўда кишилар кўтарма кранни «йиқитиб», қисмларга ажратиш билан банд. Юк машинаси ҳам тайёр. Кран қисмларини эҳтиёткорлик билан ортиб, навбатдаги объектга жўнатишяпти. Бу ерда эса меҳнат жараёни авжида. Пардозловчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, бир ғайратларига ўн ғайратни қўшиб, объектни муддатидан илгари топшириш учун астойдил жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳамма зарур қулайликларга эга бўладиган бу муҳташам бино Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентларига бунёдкор қурувчиларнинг яна бир меҳнат туҳфасидир. Унга Пардозлаш тресті 11-қурилиш бошқармаси пардозловчилари жило беришни ўз зиммаларига олишган. Айниқса, йигирма олти йилдан бери қурувчилик касбини ардоқлаб келаётган Ўлмас ака Мусаев бошлиқ сувоқчи-мозаикачилар бригадасининг қўли гул меҳнатчилари олиб бораётган пардозлаш ишлари таҳсинга сазовор. Улар бир тан, бир жон бўлиб, ҳар бир хона, ҳар бир қават тайёргарлигини бекаму кўст бажаришга сўз беришган. Шу жиҳатдан бригадада интизомсизликка, ишга кечикиб келувчиларга, прогул қилиш ҳолларига асло йўл қўйилмаётир.

— Гўзал ва азим шаҳримизнинг қутлуғ 2000 йиллик юбилейига ҳамма жойда қизғин тайёргарлик кўрилаётган экан, биз ҳам бу тарихий анжуманни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳозирлик кўраяпмиз,— дейди бригада сардори Ўлмас ака Мусаев фахр билан. — Чунки санани муносиб нишонлаш ҳар бир ҳамшаҳримизнинг шу кунги долзарб шиорига айланган. Энди бажарилаётган план-топшириқларимиз тўғрисида гапирадиган бўлсам, шуни қувонч билан айтиш мумкинки, ётоқхонада сайқаллаш ишлари муддатидан илгари охирлаб қолди. Тез орада меҳнат фаолиятимизни бошқа қурилиш майдонида давом эттирамиз. Хоналар ихчам, ёруғ. Студентлар дидига мос тарзда қурилган. Биз ҳар бир хонада, ҳар бир қаватда сувоқ ишларини сифатли олиб бориб, бўёқчиларга енгиллик туғдираяпмиз. Айниқса деворларни, шифтларни, дераза ва эшик рахларини, устун, тўсин ва бошқалар учун мўлжалланган сувоқ ишлари кўнгилдагидек олиб борилаяпти. Бу ўз навбатида ишимизни чала қолдирмасликка, қайтадан бошламасликка имкон бермоқда. Ягона наряд асосида меҳнат қилиш сайқалчиларимизнинг пировард иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини оширди, меҳнат интизомини мустаҳкамлади. Тежамкорликка ҳам катта эътибор қаратаяпмиз. Объектга келтирилаётган қоришма, ғиштдан унумли фойдаланиб, исрофгарчиликка йўл қўйилмаётир.

Бош пудратчи ташкилотчилар сайқалчилар учун ўз вақтида кенг иш фронти яратиб беришди. Натижада графикдан ўзган ҳолда қолган қурилиш ва пардозлаш ишлари бир вақтнинг ўзида олиб борилмоқда. Ў. Мусаев бригадаси бошқарма бунёдкорлари ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада доимо олдинги сафда. Илғорликнинг боиси бор, албатта. Улар ишчи дақиқаларидан, илғор иш усулларидан оқилона фойдаланиб, омилкорлик билан меҳнат қилишаётир. Бундай усулда фаолият кўрсатиш, объектни фойдаланишга топшириш муддатини шубҳасиз, қисқартиради...

Ўлмас ака ўзи қўллаган тажрибани, унинг афзалликларини ҳикоя қилиб берди:

— Маълумки, ишлаш жараёни техника-механизмлардан, асбоб-анжомлардан эҳтиёткорлик билан унумли фойдаланишни тақозо этади. Биз смена тугагач, уларни бир сидра кўздан кечириб чиқамиз. Эртанги кунга соз ёки носозлигини аниқлаймиз. Агар нуқсони сезилса, шу куннинг ўзидаёқ бошқармага хабар берилади. Ремонт устахонасидагилар эртаси куни барвақт келишиб, содир бўлган камчиликни зудлик билан бартараф этишади. Ўзимиз ҳам қараб турмаймиз. Қоришма механизми шлангларини, асбоб-анжомларни тозалаймиз, материал сақланадиган майдонни саранжом-саришта қиламиз. Шунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ошаётир, графикдан ўзишга муваффақ бўлинаётир....

Бригаданинг Н. Горбунов, М. Жўраев, А. Осипов, К. Зиёев каби ўз касбига астойдил меҳр қўйган ёшлари бино қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда. Улар ишга комплекс ёндошиб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса уддалашга эришаётирлар.

Ўлмас ака ўз касб-кори сирларини эндиликда фарзандлари Александр ва Зокиржон Мусаевларга қунт билан ўргатмоқда. Улар ҳам ота касбини улуғлаб, коллектив ҳурматига сазовор бўлишаётир.

Объектда қизғин меҳнат қилаётган ҳар бир пардозловчи масъулиятни чуқур ҳис этади ва топширилган ишга виждонан ёндошмоқда. Бригададаги ўзаро ҳамкорлик, баҳамжиҳат фаолият кўрсатиш эса ҳар бир янги объектни пардозлашда асосий роль ўйнамоқда.

Ш. МАШАРИПОВ.

Ип йигирувчи (чапдаги сурат) Ҳанифа Қодирова Тошкент тўқимачилик комбинатининг намунали ишчиларидан. Ҳозир у олтита ип йигириш машинасини муваффақиятли бошқариб, смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этяпти. Илғор ишчи меҳнат билан ўқишни бирга қўшиб олиб боряпти. У политехникум талабаси ҳисобланади.

Ўнгдаги суратда «Средазкабель» бирлашмасининг вақтдан ўзиб ишлаётган ишчиси С. Сирожиддиновани кўриб турибсиз. Яқинда унинг меҳнат календарида 1983 йилнинг октябрь ойи бошланди.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

Пойтахт юбилейига тайёрланмоқда

Гаражлар муаммоси қандай ҳал этиляпти?

«Шаҳар ва гараж муаммоси»— газетамизнинг шу йил 1 апрель сонида босилган Очиқ хат шундай деб аталган эди. Унда турар жой кварталларининг ташқи кўринишини яхшилаш, жамоатчилик ва кооператив автомобиль сақлаш жойлари қурилиши билан боғлиқ масалалар кўтарилган эди. Кўтарилган муаммо газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар «Оқшом»га йўллаган мактубларида Очиқ хатда билдирилган мулоҳазаларни тўла қувватладилар, шунингдек ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Мухбиримиз А. Хатамов Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. М. ЮСУПОВдан «Шаҳар ва гараж муаммоси» мақоласида ва газетхонларнинг мактубларида қўйилган саволларга жавоб беришни сўради.

— Аввало Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик бўйича ҳозирлик пайтида Ўзбекистон пойтахтида катта ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтишни истайман. Турар жойлар, социал-маиший ва маданий объектлар қурилиши кенг кўламда олиб бориляпти, магистрал йўллар қуриляпти. Айни пайтда эски уйларнинг ташқи қиёфаси янгиланиб, гулзорлар барпо қилиняпти, яшил ниҳоллар ўтқазиляпти. Шаҳарликлар яхши анъанага амал қилиб ҳашарларга чиқишяпти. Улар шанбаликларда ҳаммаёқни ораста ва саришта қилишяпти.

Ҳамма жойда меҳнат ғайрати ҳукмрон. Тошкентликлар юбилейни муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишди. Ишлаб чиқариш пешқадамлари 2000 йиллик шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Уларнинг хайрли ташаббуси меҳнат коллективларида кенг қўллаб-қувватланди. Айтиш керакки, Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Лекин кварталларни ободонлаштириш масалаларида ҳали ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас. Шаҳарнинг таниқли кишилари шу йилнинг 1 апрелида «Тошкент оқшоми»да босилган Очиқ хатда гаражлар муаммосини жуда тўғри кўтаришган. Чиндан ҳам гаражлар ажойиб кварталлар чиройига доғ туширяпти, аҳолига ноқулайлик туғдиряпти. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ушбу масалага жуда жиддий эътибор қаратяпти.

Ҳозир тошкентликлар ихтиёрида 75 мингтага яқин автомобиль ва 35 мингтага яқин мотоцикл бор. Ана шу транспортнинг ҳаммасини жойлаштириш осон иш эмас албатта. Архитектуранинг замонавий талаблари ҳисобга олиниб, автомобиль сақлаш жойлари қуриш бўйича конкрет тадбирлар кўриляпти. Металл гаражлар ўрнида гулзорлар барпо этиляпти, болалар ва спорт майдончалари қуриляпти. Фақат ўтган йилнинг апрель ойидан бери шаҳарда 6220 ўринли 38 та автомобиль сақлаш жойи қурилди. Шу туфайли айрим кварталларнинг чиройи анча яхшиланди. Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Киров, Ленин районларида металл гаражларни олиб ташлаш мақсадга мувофиқ ва изчил олиб бориляпти.

— Шунга қарамай, Собир Мўминович, бугунги кунда ҳали турар жойларнинг ёнгинасида, микрохиёбонлар территорияларида турган гаражлар анчагина...

— Чиндан ҳам шундай. Бунда айрим район раҳбарларининг катта айби бор. Октябрь районида очиқ автомобиль сақлаш жойлари қурилиши, демак металл гаражларни олиб ташлаш иши ёмон аҳволда. Бу ерда ўтган йилнинг апрель ойидан шаҳар юбилейигача 1266 ўринли олтита автомобиль сақлаш жойи қурилиши лозим. Бироқ, ҳалигача улардан бирортаси фойдаланишга топширилмади. Куйбишев районида ҳам шундай аҳвол вужудга келган.

Илгари қурилган очиқ автомобиль сақлаш жойлари ҳам ҳали тўла тўлдирилмаганини айтиб ўтишни истайман. Улардан бири Фарҳод кўчаси ёқасидаги «Наврўз» кафеси ёнида жойлашган бўлиб, 130 та машинага мўлжалланган. Лекин унинг ярми бўш турибди. Айни пайтда унинг ёнгинасида 20 метрлар чамаси нарида 58 та металл гараж турибди. Худди шундай аҳволни Муқимий кўчаси ёқасидаги «Феруза» кафеси ёнидаги автомобиль сақлаш жойида кўриш мумкин. Бундай нохуш аҳволнинг сабаби шундаки, Фрунзе район Совети ижроия комитетида шаҳар чиройига доғ тушираётган, гаражларни олиб ташлаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришни истамаётганларга нисбатан етарли талабчанлик кўрсатилмаяпти.

Бунинг устига, шу районда район Совети ижроия комитети томонидан назоратнинг йўқлигидан фойдаланган айрим кишилар металл гаражларни ўзбошимчалик билан қуриб олишни давом эттиришяпти. Масалан, бор-йўғи икки ҳафтача бурун Шота Руставели кўчасидаги 34-уйнинг 1-квартирасида яшовчи Айзин гараж ўрнатиб олди.

— Бундай нуқсонларга чек қўйиш учун қандай чоралар кўриляпти?

— Очиқ автомобиль сақлаш жойлари қурилиши ва гаражларни олиб ташлаш масалалари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг штаби мажлисларида мунтазам кўриб бориляпти. Ана шу мажлисларда район Советлари ижроия комитетларининг раислари иштирокида турар жойларни ободонлаштириш ишида пайдо бўлувчи нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар кўрилмоқда.

Бу йўналишда Чилонзор, Собир Раҳимов, Киров, Ленин, Акмал Икромов ва Ҳамза район Совети ижроия комитетлари фаол ишлашяпти. Улар ушбу масаланинг қанчалик муҳимлигини тушуниб етишди ва металл гаражларни олиб ташлаш юзасидан қатъий чоралар кўришяпти. Очиқ автомобиль сақлаш жойлари қурилишида саноат корхоналари, ташкилотлар фаол қатнашаётгани эътиборга сазовор. Масалан, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳозирнинг ўзида Ҳамза районида бир нечта ана шундай автомобиль сақлаш жойи қурди. Киров район Совети ижроия комитетида районда жойлашган яйлов-мелиорация бирлашмаси, «Узколхозстрой», «Ташоблремонтстроймонтаж» ташкилотларининг активлигидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиляпти. Бу муҳим ишга Ленин районида жойлашган «Гордорстройремонт» тресті, шаҳар хўжалиги объектларини капитал ремонт қилиш бошқармасининг 3-ремонт-қурилиш бошқармаси, қурилиш саноати материаллари министрлиги, тажриба-механика заводи ва Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг меҳнатчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Собир Раҳимов районидаги «Геологоразведка» ва «Компрессор» заводлари, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективлари очиқ автомобиль сақлаш жойлари қуриш борасида кўп иш қилишди. Акмал Икромов ва Чилонзор районлари бўйича ҳам шунга ўхшаш ўнлаб мисоллар келтириш мумкин.

Тошкент юбилейига қадар районларнинг тадбирларида 19158 та машинага мўлжалланган 76 та очиқ автомобиль сақлаш жойи қуриш кўзда тутилган. Бу турар жой массивлари чиройини анча яхшилаш имконини беради. Очиқ автомобиль сақлаш жойлари ишга туширилиши графигини барбод этганликлари учун Фрунзе ва Октябрь район Совети ижроия комитетлари раҳбарлари Тошкент комитетининг штаби мажлисида жазоланган эдилар, Бироқ, бу районлардаги аҳвол ҳамон қониқарсиз. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети масаланинг муҳимлигини тушунган ҳолда, жамоатчилик автомобиль сақлаш жойлари, кооператив ер ости ва ер усти гаражлари барпо этилиши учун барча зарур чораларни кўряпти.

Шаҳарнинг донгдор кишилари Очиқ хатида ва «Тошкент оқшоми» газетхонларининг мулоҳазаларида қатор долзарб масалалар кўтарилган. Шахсий фойдаланишдаги автомобилларнинг жойлаштирилишини тартибга солиш бўйича тузилган махсус шаҳар комиссияси бу таклиф ва мулоҳазаларнинг барчасини диққат билан ўрганиб чиқди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўряпти.

Район ижроия комитетлари маъмурий комиссияларининг иши кучайтириляпти. Улар металл гаражларни олиб ташлаш юзасидан кўрсатмаларни бажармаётганларни қаттиқ жазолашяпти. Белгиланган тартибни бузувчиларга жарималар солиняпти, иш жойларига хатлар юбориляпти. Бу масалада корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари кўп иш қилишлари мумкин ва шундай қилишлари керак. Улар гаражларни олиб ташлаш тўғрисида турар жой органлари кўрсатмаларини бажармаётган ўз ходимларини тартибга чақириб қўйишлари шарт.

Гараж-техника хизмати кўрсатиш комбинатига фойдаланилаётган очиқ автомобиль сақлаш жойлари электр энергияси билан мунтазам таъминланиши тўғрисида электр тармоқлари корхоналари билан шартномалар тузиш топширилган. Ишлаб турган автомобиль сақлаш жойларини ободонлаштириш чоралари ҳам кўриляпти. Бу ишда шахсий автомототранспорт воситалари эгалари ҳам фаол қатнашишлари керак. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети автомобиль сақлаш жойларида архитектура ва планлаштириш Бош бошқармаси тасдиқлаган типовой лойиҳа асосида соябонлар ўрнатишга рухсат берган.

Бир сўз билан айтганда, турар жой кварталларини тартибга келтириш, унинг янада гўзал ва обод бўлиши йўлида конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Газетхон Т. Я. Скудова ўз хатида «Марказ—13» кварталидаги 30-уйнинг томи ёмон аҳволда бўлгани сабабли 17-квартирага нам ўтишидан шикоят қилган эди. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғи А. Завьяловнинг хабар қилишича, камчиликлар бартараф этилган, том ремонт қилинган.

* * *

Электр транспорти ишидаги нуқсонлар тўғрисида В. Зеленухина ёзган эди. Унинг шикоятига трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи В. Загуменнов жавоб қилди. Унинг хабар қилишича, кейинги пайтларда шаҳар электр транспорти ишини яхшилаш ва линияда ҳаракат тўхтаб қолишини қисқартиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳайдовчиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилди. Айримлари ишдан бўшатилди.

* * *

Тансиқбоев кўчасида яшовчилар редакцияга мурожаат этиб, сув таъминотида узилишлар бўлаётганидан шикоят қилишган эди. Водопровод тармоғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г. Александровнинг хабар қилишича, камчиликлар трассадаги авария оқибатида содир бўлган. Ҳозир сув таъминоти яхшиланди.

* * *

Газетхон З. Асқарова «Эгарчи» маҳалласида сув таъминоти ёмонлиги ҳақида ёзган эди. «Водоканал» тресті бошқарувчиси З. Солихўжаевнинг хабар қилишича, сув таъминотидаги камчилик қурилиш ишлари олиб борилганлиги туфайли вужудга келган. Эндиликда «Водоканал» тресті томонидан водопровод тармоғи қайта тикланди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

МАПУТУ. Мозамбик пойтахтида Мозамбик маориф ва маданият министрлиги билан СССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети ўртасида шартномалар имзоланди. Бу шартномалар Мапуту, Бейра, Шайшай ва Монтепвезеда 4 та янги ҳунар-техника билим юртларини қуришни шунингдек, Шоквадаги мавжуд ҳунар-техника билим юртини кенгайтиришни кўзда тутади. Совет муаллимлари ҳам ишлайдиган янги ўқув юртлари 3 минг ўқувчига мўлжалланган. У ерда тайёрланган малакали ишчи кадрлар Мозамбик халқ хўжалиги турли тармоқларини тўлдиради.

Мозамбик маориф ва маданият министри Граса Машел шартномани имзолаш маросимида гапириб, миллий кадрлар тайёрлаш соҳасида Совет—Мозамбик ҳамкорлигининг боришидан ғоятда мамнун эканлигини изҳор этди ҳамда республикада ҳунар-техника таълимини ривожлантиришда бераётган ёрдамлари учун КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдирди.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан Мозамбикда бешта ҳунар-техника билим юрти ва Нампулада индустриал педагогика техникуми қурилиб, муваффақият билан ишлаб турибди. Билим юртлари ва техникум кейинги икки йил ичида мозамбиклик 650 йигит-қизни ҳунарли қилиб чиқарди. Улар орасида малакали мутахассислардан ташқари саноат ва қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлайдиган техника билим юртларининг муаллимлари ҳам бор. Ёш республика бундай кадрларга ғоятда муҳтождир.

АСАЛАРИЧИЛАРНИНГ ЮМУШЛАРИ

БУДАПЕШТ. Асаларичиларнинг дастлабки группалари Дунай билан Тисса дарёлари оралиғидаги жойларга ҳозирданоқ жўнаб кетдилар. Улар «кўчма» асалари уялари ҳаракатининг келгусидаги маршрутларини олдиндан белгилайдилар. Айниқса қимматли бўлган акация дарахти гулидан ҳосил қилинган асални йиғишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу тиниқ ва хушбўй асал мамлакат ичидагина эмас, шу билан бирга ташқи бозорда ҳам ғоят манзур бўлмоқда.

Акация дарахти анча тез гуллайди. Асаларичилар асал йиғиш муддатларини узайтириш учун акация дарахтлари гуллаётган пайтда асалари уяларини мамлакатнинг жанубидан шимолига кўчирадилар ва шу тариқа асал йиғиб олиш даврини 2—3 баравар кўпайтирадилар.

Ҳозирги вақтда Венгрияда 30 минг нафар асаларичи бор. Уларнинг ярмидан кўпроғи махсус группаларга бирлашган. Матлубот кооперативлари ташкил этаётган кооперациянинг ана шу энг оддий формаси материаллар, кредит олишда, асални савдо тармоқлари орқали сотишда асаларичиларнинг ишини енгиллаштиради.

АФҒОНИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

КОБУЛ. АДРда саводсизлик билан курашга катта эътибор берилмоқда. 1978 йилги Апрель революциясига қадар Афғонистон аҳолисининг қарийб 90 проценти ўқиш ва ёзишни билмас, ўқитиш жараёнида мамлакат турли районларининг тил ва этник хусусиятлари тамоман назар-писанд қилинмас эди.

Миллий-демократик революция ғалаба қилганидан кейин АХДП ва ёш республика ҳукумати олдида халқ маорифини тубдан қайта қуришдек жиддий вазифа кўндаланг турди. АДР маориф министрлиги бу соҳада комплекс программа ишлаб чиқди. Бу программада умумий бошланғич таълимни жорий этиш, ўқув юртларини кўпайтириш, фанларни майда миллатларнинг тилларида ўқитиш кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатда қарийб 633 минг киши саводсизликни тугатиш курсларида таълим олмоқда. Бу курслар сони ҳозирдаёқ 30 мингтага етиб қолди.

Сўнгги йилнинг ўзидагина бундай курслар сони 4 мингтага кўпайди, уларда таълим олаётганлар эса 80 минг кишидан ошди. Бир йил давомида мамлакатнинг олий ва махсус ўқув юртларида 10 минг малакали ўқитувчи тайёрланди.

∴ ∴ ∴

Бу ерда Кобул давлат медицина институти стоматология бўлими студентларининг биринчи марта битириб чиқиш маросими бўлди.

АДР ижтимоий соғлиқни сақлаш министри Наби Камёр ёш мутахассислар ҳузурида нутқ сўзлаб, миллий кадрлар тайёрлашнинг ва янги жамият барпо этишнинг ҳозирги босқичида улар олдида турган вазифаларнинг муҳимлигини таъкидлади.

∴ ∴ ∴

АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, АХДП Марказий Комитетининг секретари Маҳмуд Барялай ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Афғонистон Демократик Республикасида халқ ҳокимияти барча соҳаларда келишиб иш кўрмоқда Миллий Ватан фронти, деб таъкидлади у, меҳнаткашлар ҳокимиятининг мустаҳкам негизини ташкил этади. Бу фронт АХДП раҳбарлигида мамлакатда тузилган жамоат ташкилотларини бирлаштириб турибди. Ер-сув ислоҳоти, саводсизликни тугатиш, ишчи ва деҳқонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, кооператив ҳаракатни ривожлантириш сингари революцион ўзгартиришлар демократик тузумни тобора қатъийроқ қўллаб-қувватлаётган аҳоли кенг табақаларига тушунарли бўлиб бормоқда.

∴ ∴ ∴

Биз Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилмоқ учун имкони бўлган ҳамма ишларни қиламиз ва афғон халқини феодализм мудҳиш замонларига қайтаришга интилаётганларга ҳеч қачон ўз тақдиримизни ишониб қўймаймиз. Ғилмен вилоятида туғилиб ўсган ва аксилинқилобчи шайкаларга командирлик қилган Вакил Шахназар шу гапни айтди. У халқ ҳокимияти томонига ўтган аксилинқилобчи бўлинмалар собиқ раҳбарларининг яқинда бу ерда ўз ишини тамомлаган жирға (мажлиси)да нутқ сўзлаб Афғонистон Демократик Республикаси мамлакатда меҳнаткаш халқ манфаатини кўзлаб ўтказилаётган илғор ўзгартиришларни қоралашга уринаётган душманларнинг сохта пропагандасини фош қилиб ташлади. Вакил Шахназар АДР ҳукумати юртига ихтиёрий қайтиб келган кишиларга ва Афғонистон Демократик Республикасига қарши эълон қилинмаган уруш бошлаб юборган империализм ва реакция хуружларига зарба беришга аҳду паймон қилганларнинг ҳаммасига қардошлик ёрдами берганлиги учун унга жирға қатнашчилари номидан самимий миннатдорчилик изҳор этди.

∴ ∴ ∴

Демократик Афғонистон ҳукумати халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Бутун мамлакатда кенг нишонланаётган ҳунармандчилар ҳафталиги доирасида кўргазмалар ва кўриклар ташкил қилинмоқда. Бу кўргазма ва кўрикларда турли вилоятлардан келган усталар қатнашмоқдалар. Шундай кўргазмаларга гиламлар, жундан тўқилган ва кўндан ишланган буюмлар, афғон нақшлари туширилган ҳамда кашта тикилган миллий ва замонавий кийим-кечаклар, кумуш, мис ва бронза безаклар, тошторошлик санъати буюмлари ва бошқа кўпгина нақш-безаклар қўйилган.

Афғон усталарининг маҳсулоти мамлакатдагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам ғоят манзур бўлмоқда. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларга ҳар йили бир неча минг квадрат метр гилам буюмлари экспорт қилинмоқда. Бу гиламлар ажойиб сифати, ранг-баранг бўёқлари ва ниҳоятда пишиқлиги билан ажралиб туради.

АДР савдо министрлиги доирасида ишлаб турган ҳунармандчиликни ривожлантириш ва молларни экспорт қилиш билан шуғулланувчи марказ халқ ҳунармандчилигини оммалаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шу марказ ҳузурида анъанавий ҳунарларни ўргатиш курслари, гилам тўқиш ва тикувчилик устахоналари ташкил қилинмоқда. Қадимий санъат сирларини билиб олишни истаётган кишилар кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда АДРдаги биргина гилам тўқиш артелларида 450 мингга яқин киши ишламоқда. Бунда давлат косибчилик ишлаб чиқаришини рағбатлантириб, халқ усталарининг ишини ташкил қилиб ва йўналтирибгина қолмай, шу билан бирга ўз маҳсулотини сотишда уларга ёрдам ҳам беради. Афғонистоннинг ўзида ҳам, шунингдек чет элларда ҳам ҳунармандлар билан матлуботчилар ўртасида воситачилик ҳам қилади.

∴ ∴ ∴

«Спинзар» миллий пахта тозалаш компаниясининг олган фойдаси 1982 йилги ўрим-йиғим кампанияси даврида салкам 160 миллион афғонликни ташкил этди. «Спинзар» — Афғонистон Демократик Республикасида энг йирик давлат компанияларидан бири бўлиб, мамлакатнинг кўпгина вилоятларида ўз филиалларига эга. Бу компания ихтиёрида пахтани териш ва қайта ишлаш корхоналаригина бўлмай, шу билан бирга ўсимлик ёғи, совун каби ғоят зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган фабрикалар, заводлар ҳам бор.

Компания маблағи ҳисобига қурилган ихтисослаштирилган магазинлар, шинам уй-жойлар, дам олиш уйлари, поликлиникалар «Спинзар» компанияси ишчи ва хизматчиларининг ихтиёрига бериб қўйилган.

Империализм тарихи инсониятга қарши жиноятлар: уруш ва агрессиялар, тинч аҳолидан йиртқичларча ўч олиш, хиёнаткорона давлат тўнтаришларидан иборат узун занжирни ташкил этади. Ана шундай қонхўрликларнинг батафсил рўйхати тузиладиган бўлса улар бир неча ўнлаб томни ташкил этган бўлар эди. АҚШ ва унинг малайлари сўнгги ўн йилликларда ҳаёсизлиги ва қонхўрлиги билан эътиборни жалб этмоқда. Америка калланесарлари 1968 йилнинг март ойида Вьетнамнинг Сонгми жамоаси хотин-қизлари, чоллари ва болалари устидан қонли ўч олганлиги кишилар хотирасидадир: ўшанда 504 киши ёвузларча ўлдирилган (суратда) жамоа қишлоқлари ёндириб юборилган эди.

ЧАПДАГИ СУРАТДА—кўпгина мамлакатларнинг халқлари учун ёвузлик ва зўравонлик тимсоли бўлиб қолган Америка армиясининг солдати.

ПОПАЯН ШАҲРИ ФОЖИАСИ

БОГОТА. Колумбия жанубидаги мустамлакачилар давридан қолган архитектура музейи бўлган Попаян шаҳри 31 март куни рўй берган кучли зилзила натижасида харобаларга айланди. Сейсмология маҳкамасининг маълумотларига кўра, зилзила маркази Тинч океанининг шаҳарга яқин жойида бўлган, зилзила кучи ўн балли шкала бўйича 6 баллга етган. Юзлаб турар жой ва маъмурий бинолар вайрон бўлган.

Фожиа католикларнинг пасха ҳафтаси бошланишига бағишланган ибодат вақтида содир бўлди. Қадимий ибодатхоналарнинг гумбазлари дош бера олмай, ибодат қилувчилар устига қулаб тушди. Хабар қилинишича 200 дан ортиқ киши ҳалок бўлган ва 1.500 киши жароҳатланган. Шу жумладан 500 кишининг аҳволи ниҳоятда оғир.

Граждан мудофааси бўлинмалари ва махсус ташкил этилган қутқариш отрядлари фалокатзадаларга ёрдам бермоқда, жароҳатланган кишилар самолётлар ва вертолётларда Богота ва Кали касалхоналарига олиб кетилмоқда.

Попаянга келган республика президенти Белисарио Бетанкур аҳолини озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш борасида фавқулодда тадбирлар кўрилаётганлигини эълон қилди. У аҳолига мурожаат қилиб, тартиб ва осойишталик сақлашга даъват этди.

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ КОНКУРСИ

ОЛМОС

2. ИШОНЧ

Катта дарвозалар очилиб, қўша-қўша келин ва набиралар ҳовлига сув сепиб, атрофга садарайҳон ҳидини таратиб меҳмон кутмоқдалар.

—2—

Дадамлар ёқтирадиган шундай кезларда катта дастурхон ёзилиб, ҳовлининг етти сўрисига чиройли гиламлар тўшалиб, атлас кўрпачалар солинади. Шўх ва ширин набиралар сўриларда гурунглашиб, катта ҳовлини кулги, қийқириқлар билан тўлдирадилар. Мана, рўпарада илиғлик румча тўн, дўппи, қора жияклн яхтак кимгадир мунтазир... Гўё ўктам, басавлат, меҳрибон, қувноқ, ҳазилкаш дадамлар Бешёғоч бозорига болаларни қувонтирганн чиққанлару, ҳали замон сурнайми ё ҳуштакми, бирор ширинлик олиб ҳар доимгидек қўни-қўшниларини тўлдириб кириб келадигандек. Ана шу туйғу, ана шу тасаввур ва ишонч хонадонимизнинг ҳар бир ъъзосига доимий ҳамроҳ...

Ҳар бир инсоннинг гўдаклик, болалик, ўсмирликдаги энг тотли дамлари ота-онаси билан кечирган эрка, бепарво шўхликлари билангина гўзалдир. Ота-она тоғ билан боғ бўлса, фарзанд унинг бағридаги энг гўзал ниҳолдирки, уни парваришлаб, вояга етказиб, ҳосилга кирганидан севинш, мевасидан баҳраманд бўлмоқ катта бахтдир. Дадам ана шундай бахтга муяссар бўлган ажойиб инсон эдилар.

Мен ёшлигимданоқ ҳар нарсага интилиб, ўз кучимни, лаёқатимни синаб кўргим келарди. Бунга балки болалигимда эшитган эртаклар сабаб бўлгандир. Эртакларни ҳеч ким дадамдек мароқли, саргузаштли қилиб айтиб бера олмаса керак. Дадамлар образга кириб, овозларини ўзгартирар, турли хил ҳаракатлар билан сўзлар эдиларки, ҳамиша ҳайрат ва қизиқишдан лол қолардим. Бу эртакларнинг кўпчилиги дадамнинг ўкинчли болаликлари, опа-сингилларн, қўни-қўшнилари ҳақида бўлиб, ҳар бир эпизод ва ҳар бир одам таниш эди. Яна бир хил эртаклар эса айтилаётганда тўқилар, улар менинг ҳаётимдан, келажагимдан ҳикоя қилардн. Бу эртаклар менда гўзалликка

—3—

интилиш, қалбимда меҳр-шафқат ҳисларини уйғотар, адолат ва ҳақиқатни қадрлашга ўргатарди. Шу эртаклар билан ҳаётим тўлиқ, шу эртакларни ҳаётга кўчириш учунгина яшагим келарди.

Дадам ҳеч вақт шўхликларимга танбеҳ бермас эдилар. Мактабга борганимда жуда шўх, тўполончи эдим. Эсимда, бир куни боғимиз этагига экилган редисканнинг ҳаммасини граната қилиб «душманлар»га отибман. Дадамлар келиб қолдилар. Бутун ҳовлида сочилиб ётган редискаларни кўриб, ҳанг-манг бўлдилар. Мен дарров елкаларига осилиб, воқеани тушунтирдим: Шунда:

— Вой, менинг ўғил бола қизим-ей, энди редискаларни йиғиб, ювиб, қўшниларга олиб чиқиб бер, исроф бўлмасин,— дедилар-да, мийиғларида кулиб, шўхлигимизни кузатиб турдилар. Баъзан эса ўзларн ҳам шу шўхликларга қўшилиб кетар эдилар.

Мактабимиздаги ботаниклар тўгарагига аъзо эдим. Баҳорда кўчат экиш лозим эди. Уйимизда гуллаб турган каттагина олчани суғуриб олиб кетаётганимни кўриб:

— Менинг ботаник қизим-ей, сенга кўчат керак экан олиб берар эдим, бу дарахт энди кўкармайди,—дедилар холос.

Ростдан ҳам у олчани мактабга зўрға судраб олиб боришимга қарамай, кўкармади. Тажриба қилганим яхши бўлди. Гуллаган дарахтни бошқа ерга кўчириб ўтқазиб бўлмаслигини билиб олдим.

Кейинчалик мен ёш натуралистлар тўгарагига, ундан сўнг фотографлар, хор, драма тўгаракларига бордим. Олдимиздаги Муқимий номидаги музикали комедия театрининг балет тўгарагига ҳам қатнашиб

—4—

кўрдим. Уларнинг тафсилотн ёзилса, ҳар бири алоҳида кулгили ҳикоя бўлади. Музикага қатнашмоқчилигимни билиб, рояль олиб бердилар. Дадамлар кўнглимга қараб, интилишларимга қаршн турмас, аксинча қизиқишларимни рағбатлантирардилар.

Ҳар йили дадамлар бир неча марта Фарғона, Қўқон, Андижон шаҳарларига бориб ўз мухлислари, ёр-биродарлари билан учрашар, янги қурилишлар, колхоз ва совхозларда меҳмон бўлар эдилар. Сўнгра таассуротлари асосида ажойиб шеърлар ёзардилар.

Баҳор келишини мен ҳам интизорлик билан кутардим. Канникул вақтида дадамларга эргашар, улар билан бирга юргим, ҳаётни билгим келарди. Фарғона водийсига гоҳ машинада жўнардик. Йўлларда ажойиб воқеалар, қизиқ-қизиқ ҳангомалардан гапириб, зерикгирмай олиб борардилар.

Дадамлар ҳар гал менн сннар, пишиқ, мустақил бўлишимни истар эдилар. Мактаб деворий газетасида миниатюралар, болалар учун кичик ҳажвлар ёзаётганимни, журналист бўлмоқчи эканлигимни билиб хурсанд бўлдилар.

Университетга киришим тарихи ҳам қизиқ бўлган. Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин:

— Университетга ўзинг кирсанг киргинанг, мен сенинг орқангдан «Менинг қизимни ўқишга олинглар» деб ҳеч кимга илтимос қилиб бормайман. Кира олмасанг, турмушга чиқасан. Ҳаётга яроқли фарзанд тарбиялаш ҳам олижаноб, энг улуғ вазифа, дедилар.

Мен дадамларнинг номини пеш қилиб ўқишга киришни ёки бировга айттиришни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Бу бизнинг онлага муносиб эмаслиги, дадамлар ўргатган эътиқодга тўғри келмаслиги

—5—

ни яхши билардим. Шунинг учун ўз кучимга ишонишимни айтдим.

Имтиҳонлар бошланадиган куни дадамлар навбатдаги Қўқон—Фарғона сафарига жўнаб кетдилар. Имтиҳонларнинг ҳаммасини аъло топширганим, газета-журналларда чиққан хабар, ҳикоячаларим, тавсиянома бўлишига қарамай, менн университетнинг журналистика факультетига қабул қилишмади. Шаҳардан кирганлар кўп экан. Чет тиллар институтига юборишди. Мен у ерга бормайман, ўзим қизиққан соҳага ўқийман, деб резервист сифатида ўқишга розн бўлдим. Лекин жуда ҳафа эдим, кўп йиғладим. Лекин бошқа иложим бўлмади. Шу вақт Андижондан дадамлар қўнғироқ қилдилар. Аям бўлган воқеанн айтдилар, дадамлар «Озми-кўпми қийинчилик кўрганн маъқул, ҳаётнинг қадрига етади», дептилар. Шу гап етарли бўлган.

Олти ой резервнст бўлиб, қишки семестрни ҳам аъло баҳоларга топширгач, ҳақиқий студент бўлган эдим. Университетда ўқиб юрганимда кичик ҳикоя, лавҳа, хабар, очерклар билан университет ва маҳаллий газеталарда қатнашиб юрганимни дадамлар кузатиб юрар эканлар.

Группамизни Иттифоқимизнинг турли шаҳарларига практикага юборишмоқчи бўлишди. Дадамлар саёҳатни яхши кўришимни, бирорта чет давлатга борнб, дунёни кўриш орзусида эканимни билардилар. Шу сабабли чет эл сафарига юбормоқчи бўлдилар. Аям унча рози бўлмадилар:

— Узоқ жойга ўн тўққиз яшар қиз

—6—

болани ёлғиз юборасизми, қўрқаман,— дедилар.

Дадамлар:

— Мен Олмосга ишонаман. У ҳеч қачон юзимни ерга қаратмайди, қаерда бўлса ҳам ўзини тута биладн. У менинг қизим эканини эсидан чиқармайди, — дедилар.

Шу гап мен учун бутун умрга кифоя. Умрим борича дадамларнинг менга бўлган ишончларини оқлашга ҳаракат қиламан.

Дадамлар буюк шоир, жамоат арбоби, каттакон олим, педагог бўлишларига қарамай, ишлари жуда кўп бўлишидан қатъий назар фарзандларининг тарбиясини четда қолдирган эмасдилар. Бугун ким қандай баҳо олди, қаерга борди, уйда нима иш қилди, ҳамма-ҳаммасидан хабардор бўлиб турардилар. Оиламизда ҳеч ким ёлғон гапирмаслиги, бир-биримизга ёрдамни аямаслик, катта-кичикка ҳурмат — бу қонун эди.

Ҳар доим «Менинг соямда юриб ўрганманглар, ҳар бирингиз ўз-ўзингизни одам қилинг, одамни одам қилган меҳнат», дер эдилар.

Дадамларнинг ҳар бир сатрида ана шу мантиқ борлиги, инсоний меҳр, ҳарорат, зукколик уфуриб турганлиги туфайли шеърларн тилдан-тилга, дилдан-дилга, авлоддан-авлодга ўтиб, баралла янграб турибди!

Бизнинг интервью

ЗИЁ СОЧАВЕР, «ОГОНЁК»!

Мамлакатимизнинг энг оммавий журналларидан бири — «Огонёк»нинг биринчи сони чиққанига 60 йил бўлди. Мухбиримиз Ю. Казаченко журналнинг бош редактори, таниқли совет шоири ва драматурги Анатолий СОФРОНОВ билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбатда у қуйидагиларни гапириб берди:

— «Огонёк» журнали ўзининг 60 йиллик юбилейини катта қувонч билан қаршиламоқда. У мамлакатимиздаги энг кўп нусхали журналлардан биридир. Ҳозирги пайтда у 1 миллион 800 минг нусхада тарқатилмоқда. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, «Огонёк» ташкил этилган дастлабки йилда унинг тиражи 80 минг нусха эди. Аслини олганда, бу ҳам ўша давр учун катта тираж эди.

Журналимизни энг биринчи сони 1923 йилнинг апрелида чоп этилганди. Машҳур журналист Михаил Кольцов журналнинг ташкил этилишида муҳим роль ўйнади. Журналнинг биринчи сонларидаёқ ўқувчилар унинг саҳифаларида Горький, Фадеев, Шолохов, Серафимович, Есенин, Чуковскийларнинг асарларини ўқишга муяссар бўлдилар. Клара Цеткин, Н. А. Семашко, Н. И. Подвойский сингари таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари ҳам журналда ўз мақолалари билан қатнашиб турардилар. 1924 йил апрелида, «Огонёк»нинг бир йиллиги нишонланаётган кезларда Михаил Иванович Калинин ўқувчиларга ва ходимларга мурожаат қилиб, журналга меҳнаткашлар ўртасида бундан ҳам кенгроқ оммавийлик тилаган эди.

«Огонёк»! Зиё сочиб ёнавер, қоронғу бурчакларни ўз нуринг билан ёрит. Сен бутун дунёни ёритган, унга янги ҳаёт олиб келган буюк зиёнинг таркибий қисмисан», —деб ёзган эди Г. В. Чичерин.

Бу сўзлар «Огонёк» коллективи ижодининг ўзига хос эпиграфи бўлиб қолди.

Советлар мамлакатининг шиддаткор қадамлари, совет халқининг Ленин партияси раҳбарлигида қўлга киритаётган зафарлари ва марралари, янги чўққиларни эгаллаши, тинчлик учун қураш, мамлакатимиз халқларининг дўстлиги журналимизнинг етакчи темалари бўлиб келмоқда.

Шу ўринда қардош совет республикалари эришган ютуқларни тарғиб қилишга нақадар катта аҳамият берилаётганлиги ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Журнал ўз саҳифаларида кўп миллатли мамлакатимиз барча халқлари сўз усталарининг ижодига кенг ўрин бермоқда. Ўзбекистон бунинг ёрқин мисолидир. «Огонёк» саҳифаларида Шароф Рашидов, Зулфия, Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Муҳаммад Али ва республиканинг бошқа таниқли ва ёш шоирлари, прозаиклари, адабиётшуносларининг асарлари босилган.

Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, мамлакатимиз ёзувчиларининг кўплаб машҳур асарлари биринчи бор журналимизда чоп этилган. «Клим Самгининнинг ҳаёти», Шолоховнинг «Очилган қўрик» китобидан боблар, Александр Фадеевнинг «Қора металлургия» романидан парчалар, Есенин ва Твардовский, Тихонов ва Якуб Колас поэзияси, Грин, Бабель, Калининнинг ҳикоялари бунга мисол бўла олади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Журналимиз «олтин фондида» 80 йиллиги мамлакат адабий жамоатчилиги томонидан кенг нишонлашга ҳозирлик кўрилаётган Ғафур Ғулом асарлари ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

«Огонёк»нинг икки миллионга яқин обуначисидан ҳар бири журналимиз фақатгина бадиий адабиётдан иборат эмаслигини яхши билади. У партиянинг жанговар органи, ҳамиша халқни янги меҳнат зафарларига чорловчи агитатор ва пропагандист бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. «Улкан бунёдкорликлар адреси», «Она ер», «Ўтмиш саҳифалари» сингари рубрикалар журналдан доимий ўрин эгаллаганлиги ҳам бежиз эмас. Бу рубрикалар остида бериладиган материаллар бунёдкор ва ижодкор халқимизнинг тарихи ва бугунги қаҳрамонона кунини ёрқин очиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь Пленумлари барча совет кишилари қатори коллективимиз олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Журналимизнинг кўпгина янги рубрикалари бу муҳим партия анжуманларини актив пропаганда қилиш, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шулардан бири «Огонёк» мақолалари изидан» рубрикасидир. У журналхонлар томонидан ҳамиша катта қизиқиш билан кутиб олинади.

Кўп миллатли мамлакатимиз маданиятининг турли соҳаларига оид материаллар ва тадқиқотлар эълон қилиш ҳам журналимизда яхши анъанага айланиб қолган. Бу анъанана В. Д. Бончч-Бруевич, К. И. Чуковский, И. С. Зильберштейн сингари машҳур арбобларнинг мақолалари билан бошланган. Яна бир яхши анъанамиз бор. Бу Ватанимиз ва чет эл адабиёти классиклари, маданиятимизнинг етакчи усталари юбилейини махсус материаллар туркуми билан нишонлашдир.

— **Анатолий Владимирович, Сиз раҳбарлик қилаётган журналнинг Ўзбекистон, Ўрта Осиё республикалари билан алоқалари ҳақидагина эмас, балки ўзингизнинг Ўзбекистон сўз усталари билан шахсий ижодий алоқаларингиз тўғрисида ҳам яхши биламиз. Ана шулар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бу саволга жавоб берганда фақатгина адабий фаолият ҳақида эмас, балки ижтимоий фаолият ҳақида ҳам гапириш керак. Энг аввало, Осиё ва Африка мамлакатларн прогрессив ёзувчиларининг бирдамлик ҳаракатидаги улкан ишимиз ҳақида сўзлаш лозим. Маълумки бугунги кунда қудратли ва эътиборли ана шу ҳаракатга илк бор Тошкентда асос солинган эди. Ана шу иш ибтидосида турган, уни давом эттираётган ва ривожлантираётган кишилар орасида Шароф Рашидов, Комил Яшин, Зулфия сингари таниқли сўз усталари борлигидан беҳад фахрланаман. Бугунги кунда Сарвар Азимов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг икки қитъа прогрессив сўз усталарининг тобора ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳаракатига қўшаётган ҳиссаси ниҳоятда улкан. Бу ҳаракатнинг XXV юбилей сессияси Тошкентда ўтказилиши ҳам қонунийдир.

Энди ўзимнинг Ўзбекистон сўз усталари билан алоқаларимга келсак, бу дўстона муносабатлар ниҳоятда кенг ва кўп қиррали. Содда ва қисқа қилиб шундай дейишим мумкин: — Менсизнинг ажойиб ўлкангизни, қайта такрорланмас серқуёш Тошкентни жуда севаман. Ҳамиша диёрингизга иш юзасидан, қаламкаш дўстларим ва ўқувчиларим билан учрашиш учун мамнуният билан бораман. «Огонёк» журнали редакцияси номидан Тошкент аҳолисига шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан энг самимий тилакларимни изҳор қиламан. Ишонтириб айтаманки, «Огонёк» саҳифаларида республикангиз ҳаёти бундан кейин ҳам муносиб ва мукаммал ўз аксини топади.

— **Журналингизнинг Ўзбекистондаги мухлислари номидан, барча тошкентликлар номидан «Огонёк» журнали коллективини шонли юбилей билан қутлаймиз. Журнал бугунгидек миллионлаб ўқувчилар учун ёрқин йўлчи юлдуз бўлиб қолаверсин.**

— Чин дилдан катта раҳмат. «Огонёк»чилар ўз ўқувчиларининг ишончини оқлаш учун барча ишни қиладилар.

* * *

СУРАТДА: «Огонёк» журналининг Ўзбекистонга бағишланган сони муқоваси.

Узбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг илмий ходимлари минерал хом ашё конларини аниқлаш ва қазиб олиш бўйича изланишларда фаол иштирок этишяпти. Мазкур институтнинг энг замонавий аппаратлар билан жиҳозланган турли лабораторияларида энг сўнгги методлар асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

СУРАТДА: минералогия лабораториясининг ходимлари Абдуқодирова ва Расулова.

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

МЎЪЖИЗАКОР «МОЙЧЕЧАК»

Область клиник касалхонаси олган лазер мосламаси «Ромашка» («Мойчечак») деб аталади.

Ҳозир тиғ ўрнида лазер нуридан анча кенг фойдаланилмоқда, стоматологлар эса лазер билан биринчи марта ишлашга тайёргарлик кўришяпти.

Мослама уни тайёрлаган завод мутахассислари томонидан хирургик стоматология бўлимининг операция хонасига ўрнатилади. Унинг ёрдамида пластик операцияларни бажариш режалаштирилмоқда. а. Лазернинг тўқимани қон чиқирмасдан кесиш хоссаси хирург-стоматологлар томонидан юқори баҳоланади: Чунки улар киши юзининг қон томирлари жуда кўп бўлган қисмларини тез-тез операция қилишларига тўғри келади.

Шамоллаш жараёнлари туфайли мураккаблашган операциялар пайтида лазер врачнинг яқин ёрдамчиси бўлиб қолади — тўқиманинг битиб кетиши анча тезлашади.

(«Вечерний Свердловск»).

СПОРТ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Урганч шаҳрида бўлиб ўтган республика мактаб ўқувчиларининг XXVII спартакиадасида Тошкент шаҳри терма командаси муваффақиятли қатнашди. Умумий якунда энг кўп очко тўпланган ҳамшаҳарларимиз биринчи ўринни эгалладилар.

Ўз вазн-тоифалари бўйича 62-ўрта мактаб ўқувчилари Х. Мирсаидов, А. Ҳикматов, П. Кузьменько ва 228-ўрта мактаб ўқувчиси И. Юсуповлар спартакиада чемпиони бўлишди.

ҚЎЧА ТАСОДИФЛАРИ

ҚОИДАБУЗАРЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

«Узкоопстрой м о н т а ж» трестига қарашли автомобиль транспорти корхонасининг ҳайдовчиси Қудратилла Икромов билан содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ҳам йўл ҳаракати қоидасини қўпол бузишлик туфайли рўй берди. У ўзининг «ГАЗ—24» маркали «00—19 ТНМ» номерли автомашинасини Усмон Юсупов кўчасида орқага бураётиб чап қаторда келаётган «ГАЗ—24» маркали автомашинани ўтказиб юбормади. Ваҳоланки, йўл ҳаракати қоидаларида «Чапга орқага бурилаётганда рельссиз транспортнинг ҳайдовчиси рўпарадан келаётган ва қувиб ўтишни тугатаётган транспортларга йўл бериши шарт», дейилган.

Бироқ, ҳайдовчи Қ. Икромов бу қоидага итоат этмади. Эътиборсизликка йўл қўйди. Натижада ҳар иккала транспортга техник зарар етказди. Шикастланган автомашиналарни созлаш қоидабузар Қ. Икромовнинг зиммасига тушди.

Ҳ. МИРЗАЕВ,
ГАИ ходими.

БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН

СУРАТДА: Ғафур Ғулом Зулфия, Шукрулло, Ғуроб Тўла, Мирмуҳсин билан суҳбат чоғида.

(50-йиллар фотоси).

В. Сироткин фотолари.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Бугун «Тошкент оқшоми»нинг справка бюроси аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, метрополитенда, автобусда ва бошқаларда юриш қоидалари билан боғлиқ саволларга жавоб беради.

С. КАЗАКОВА: Метро биз учун қулай ва одатдаги транспорт воситаси бўлиб қолди. Унинг ходимлари қулайликлар яратиш учун кўп иш қилишаяпти. Шундай шароитда вагон деворларидаги ҳар хил ёзувларни, гулдор ойналарнинг дарз кетганлигини ва бошқа тартиббузарликларни кўрганингда ранжийсан киши. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун бирон бир чора-тадбирлар кўриш кўзда тутилганми?

Жавоб: Метрополитенда метро станциясига тегишли территорияни, вагонларни, вестибюль, станция платформалари ва перегон йўлларни ифлос қилиш, вагонлардаги ўриндиқларга болаларни тургазиб қўйиш, юкларни жойлаштириш ва ҳоказолар ман этилади. Жамоат тартибини ва вагонлардаги жиҳозларни бузганлигн учун айбдорлар амалдаги қонунларга биноан жавобгарликка тортилади.

Темир йўл транспортининг лавозимли кишилари ва милиция ходимлари қоидаларни бузган кишилардан жарима олиш ўрнига уларни огоҳлантиришга ёки тегишли материалларни кўриб чиқиш учун уларнинг иш, ўқиш, турар жойларидаги маъмурият, жамоат ташкилотлари ёки ўртоқлик судига юборишга ҳақлидир.

* * *

У. КАМОЛОВ: Яқинда мен автобусда бораётиб билет олишни унутдим. Контролёр мендан жарима олди ва мен автобусда кетавердим. Тушмоқчи бўлганимда яна бир контролёр кириб, менга яна жарима солди. Шу тўғрими?

Жавоб: Иккинчи контролёр «билетсиз»га яна жарима солиб жуда тўғри иш қилган. Чунки жарима йўловчини билет олиш мажбуриятидан озод этмайди. Агар жарима тўлаган одам йўл ҳақи тўламаса, ўша контролёрнинг ўзи маълум вақтдан кейин йўловчидан яна жарима олиши мумкин.

∴ ∴ ∴

М. ГВОЗДЕВ: Қўлимдаги сеткада лак солинган банкалар бор эди. Таксига ўтирмоқчи бўлган эдим, ҳайдовчи қўлимдаги юкни кўриб ўтқазмади. Такси ҳайдовчиси тўғри иш қилдими?

Жавоб: Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг Қароридаги «Таксидан фойдаланиш қоидалари»да таксида қуйидагиларни олиб юриш ман этилиши ёзилган: а) тез алангаланувчи, портловчи, заҳарловчи, бадбўй моддалар ва материалларни; б) машинага зиён етказувчи ва ифлос қилувчи юкларни; в) юқумли касалликка чалинган беморларни.

Шундай қилиб ҳайдовчи тўғри иш қилган.

* * *

Н. МАЛЬЦЕВА: Поездга кечикмаслик учун мен такси заказ қилдим. Машина келганда унинг счётчиги 1 сўм 50 тийинни кўрсатиб турарди. Мен ҳали таксидан фойдаланганим йўқ-ку! Нега шунча пулни тўлашим керак?

Жавоб: Такси диспетчерлик орқали чақирилганда, ҳайдовчи таксометрни диспетчердан топшириқ олган заҳоти ишга солади. Бундай ҳолларда таксометр счётчиги буюртмачи ҳузурига келгунга қадар 1 сўмдан ортиқ кўрсатмаслиги лозим. Таксига шошилинч берилган буюртма олингач, 30 минутдан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида бажо келтирилиши лозим. Бинобарин шундай экан, бундай ҳолда ҳайдовчи Сиздан қўшимча 1 сўмдан ортиқ ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

* * *

А. ҚОСИМОВА: Яқинда мен харид қилинган болалар велосипеди билан трамвайга чиқишимга тўғри келди. Менинг йўл карточкам бор эди. Лекин мен вагондан тушаётганимда контролёр юк учун билет кўрсатишимни сўради. У ҳақми?

Жавоб: Пассажирлар жамоат транспортига киришлари биланоқ ўзлари билан олиб кетаётган ҳажми 60х40х20 сантиметрдан ва узунлиги 150 сантиметрдан ортиқ юклари учун белгиланган таърифга мувофиқ ҳақ тўлашлари, олдиндан сотиб олган абонементларини компостер қилишлари керак. Чанғи, болалар велосипедлари, чаналари, аравачалари ва боғбончилик қуроллари учун ҳақ тўланмайди. Билетсиз юрган ёки олиб чиққан юклари учун ҳақ тўламаган йўловчиларга 1 сўм миқдорида жарима солинади. Бунда белгиланган нусхадаги квитанция берилади.

* * *

О. СКВОРЦОВА: Яқинда таксига навбатда турган эдик. Одам кўп эди. Навбат ёнига икки Улуғ Ватан уруши қатнашчиси келиб, уларга навбатсиз машина беришни сўрашди. Шу тўғрида бирорта қонда борми?

Жавоб: Бу тўғрида Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидаларида шундай дейилади: таксини навбатсиз ёллаш ҳуқуқи Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига; СССР, иттифоқдош, автоном республикалар депутатлари, халқ депутатлари область, маҳаллий Советлари депутатларига; Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига (гувоҳномалари бўйича); ҳомиладор аёлларга; мактабгача ёшдаги болалари бўлган йўловчиларга; уч даражали Шуҳрат ва Меҳнат Шуҳрати орденлари билан тақдирланганларга берилади.

Демак, юқоридаги ветеранлар навбатсиз машина олиш ҳуқуқига эга бўлишган.

РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонлар томонидан берилаётган саволларга тегишли инструкциялар ва қоидалардан жавоб топиш мумкин. Лекин ҳаётимизнинг маънавий, ахлоқий нормаларн ҳам бор. Агар ўсмир қаламтарош билан метро вагони ўриндиғининг суянчиғини тирнаётган бўлса ёки кимдир метрополитенда сигарета қолдиғини ташласа, милициянинг аралашувини кутиб турнш шартмн! Худди ана шундай фактларга нисбатан жамоатчилик муросасизлиги муҳити вужудга келтирилиши лозим. Билетсиз юрган кишиларга нисбатан ҳам пассажирлар томонидан эътиборсизлик бўлмаслиги керак. Давлатдан беш тийинни ўғирлаётган кишн қоидаларни бошқалардан ёмон билмаса керак. Энг муҳими шундаки, ҳар бнр конкрет вазиятда у атрофдагиларнинг маънавий нафратини ҳис этсин. Худди ана шу юксак ижтимоий онглилик туйғуси оддий ва керакли қоидалар бизнинг ахлоқий нормамиз бўлиб қолишига ёрдам беради.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

5 АПРЕЛЬ. 1983 й.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да **Баланд қолдаги аёллар**, 6/IV да **Рўйхатларда йўқ**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/IV да **Тўйдан олдин томоша**.

кино

5 АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОҚ ЛИБОСДАГИ АЁЛ» — **Санъат саройи** (18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ГЕНЕРАЛ БУВИ» — **Санъат саройи** (18, 20.00).

«КЎЗ ЁШЛАРИ ТОМГАНДА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **ВЛКСМ 20 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚОРАЯЛОҚЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«АЁЛЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ҚАЙҒУЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БОЖХОНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Кўкча** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ЭРКАКЛАРНИ АРДОҚЛАНГ!» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **С. Раҳимов номли** (11, 17, 19, 21.00, телефон 48-46-71).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

6 АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОҚ ЛИБОСДАГИ АЁЛ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-744).

«ГЕНЕРАЛ БУВИ» — **Санъат саройи** (11, 14, 16, 18, 200.00).

«КЎЗ ЁШЛАРИ ТОМГАНДА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **ВЛКСМ 20 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚОРАЯЛОҚЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«АЁЛЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ҚАЙҒУЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БОЖХОНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Кўкча** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ЭРКАКЛАРНИ АРДОҚЛАНГ!» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **С. Раҳимов номли** (11, 17, 19, 21.00, телефон 48-46-71).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

САЛҚИН ЁЗ

АГАРДА СИЗ КОНДИЦИОНЕР ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, ЁЗНИНГ ЭНГ ЖАЗИРАМА ИССИҚ КУНИДА ҲАМ КВАРТИРАНГИЗДА САЛҚИН БЎЛАДИ.

Кондиционер нималарга қодир?

— квартирадаги ҳаво ҳароратини 5—10 даражага пасайтира олади;

— белгиланган ҳарорат режимини автомат равишда ушлаб туради;

— ҳаводаги ортиқча намликни йўқотади;

— ҳавони чангдан тозалайди.

Бокудаги рўзғор кондиционерлари заводи икки моделдаги — «БК—1500», «БК—2500» приборларини ишлаб чиқаради. Улар кучли вентиляцион ва фильтрловчи системалардир. Кондиционерлар хоналардаги ёқимсиз ҳидларни газ ёниши натижасида ҳосил бўлган зарарли чиқиндиларни йўқотади, ҳавони аэрозол чиқиндиларидан, тамаки тутунидан тозалайди, шундай қилиб хонада озодаликни сақлашга, мебеллар, гиламлар, хона безаклари «умрини» узайтиришга ёрдам беради.

«БК—1500» ва «БК—2500» кондиционерларни шовқинсиз ишлайди. Дераза ромларига ўрнатилиши сабабли квартира ҳуснини бузмайди.

«БК—1500» га нисбатан «БК—2500» бирмунча қудратлидир. Агарда «БК—1500» саҳни 20 квадрат метр бўлган хонада салқин ҳаво вужудга келтирса, «БК—2500» саҳни бирмунча каттароқ—35 квадрат метргача бўлган хонада ана шу ишни бемалол уддалайди.

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

«БК—1500» ва «БК—2500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР.



«ТАШХОЗТОРГ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари
ДИҚҚАТИГА!
«ЎЗГЛАВМЕТАЛЛ»
таъминловчи заводлардан ўзларининг янги банк реквизитларини маълум қилишларини
СУРАЙДИ

ТВ

5 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.10 «Янгра, бандура». Львовдан олиб кўрсатилади. 17.40 «Эфиопия пойтахти — Аддис-Абеба». Киноочерк. 18.00 БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. Минскдан олиб кўрсатилади. 19.00 «Ҳовлимизнинг файзи ўзимизга боғлиқ». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ернинг чинакам ҳўжайини бўлиш керак». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Гармаш ҳақида телевизион очерк. 20.00 Халқаро конкурслар лауреати В. Вакк чалади (фортепьяно). 20.25 «Вертикал бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Ю. Тинянов. «Ўйлар... Учрашувлар...». 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Спорт ҳафталиги».

6 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ўсмирлар ижоди». 10.10 «Вертикал бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.15 «Саёҳатчилар клуби». 12.15 «Эртага — тасодифлар содир бўлмайдиган кун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Комсомол — менинг тақдирим». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.10 Л. Бетховен. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун 7-соната. Халқаро конкурслар лауреати М. Безверхний ва Ю. Кожеватов ижро этадилар. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.40 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». Мактаб — ҳунар-техника билим юрти —завод. 17.10 Сувга сакраш бўйича Европа кубоги. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 17.50 Ҳужжатли фильмлар: «Костомукша — Совет — Финляндия ҳамкорлигининг рамзи». «СССР— Финляндия: яхши қўшничилик, ишонч, дўстлик». 18.30 «Очиқ дарс». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». 20.00 Балет артистларининг концерти. 20.25 «Вертикал бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «А. В. Нежданова уйида». 23.25 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. Лазер нима? 12.00 «ВАЗ. Завод ва одамлар». Ҳужжатли фильм. 12.30 Химия. Алюминий, унинг қотишмалари ва уларнинг аҳамияти.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Юмронқозиқ ва телевидение». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Орзу». 18.45 КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Транспорт ходимлари — ҳамкорлиги» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Адабий альманах». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Камолот сари». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг хизмат кўрсатган хор коллективи ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Эшикда суръат ва сифат». 22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». «Нон қадри». Кўрсатувни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ў. Ҳошимов олиб боради. 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 18.40 Абитуриентлар учун. Математика. 19.40 «Шундай совхоз бор». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Коммунистик шанбалик олдидан. «Буюк почин анъаналарига садоқат». 20.50 «Бригадир Найни Маматқодиров». Телевизион фильм. 21.00 «Озиқ-овқат программаси — амалда». 21.30 МТ II.

КИТОБГА УЗОҚ УМР

МУҚОВАСИЗ, ВАРАҚЛАРИ ТИТИЛИБ КЕТГАН КИТОБНИ ҚЎЛГА ОЛИБ ЎҚИШ ЖУДА ЁҚИМСИЗДИР.

КИТОБ ВА ЖУРНАЛ УМРИНИ

МУҚОВАЛАШ УСТАХОНАЛАРИДА

УЗАЙТИРИШ МУМКИН

Устахона гражданларга ва кутубхоналарга хизмат кўрсатади.

Муқовалаш устахонасининг адреси: Тошкент шаҳри, 1-квартал, Лисунов кўчаси, 9-уй (29-трамвай, 30-автобуснинг «Ёғоҳона» бекати).

Тошкент «СЕРВИС» фирмаси.

ХИВА ГИЛАМЛАРИ

Хивалик моҳир қўллар томонидан яратилган мураккаб ва чиройли орнаментли, ёрқин рангли гиламлар ҳар бир хонадон учун зарурдир.

ХИВА ГИЛАМЛАРИНИ БУГУНГИ КУНДА СИЗ ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, ХОНАНГИЗ ЧИРОЙИ ОЧИЛАДИ.

ХИВА ГИЛАМЛАРИНИ ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

САВДОДА

2x3 метрли, баҳоси —690 сўм ва 656 сўм;

1,50x2,25 метрли, баҳоси —338 сўм;

1,50x2 метрли, баҳоси — 328 сўмли

ГИЛАМЛАР МАВЖУД

ГУМ.

ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛ

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ПИШИҚ БЎЛИШИ КЕРАК, ЧУНКИ УЛАР ЮГУРИБ ЎЙНАШАДИ, САКРАШАДИ. ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ, ЕНГИЛ ВА ПИШИҚ БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИ ТАБИИЙ МАТЕРИАЛЛАР—ЧАРМ ВА ХРОМДАН ТАЙЁРЛАНАДИ.

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СИЗЛАРНИ

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

БУ МАГАЗИН ЯҚИНДА БОЛЬШЕВИК КЎЧАСИДАГИ 6«а»- УЙДА ОЧИЛДИ.

(«Халқлар дўстлиги» саройи ёнида).

САВДОДА:

жигарранг, қора паст қўнжли ботинкалар;

сариқ, қизил, оқ ҳамда аралаш рангдаги туфлилар;

жигарранг сандалетлар;

безакли чоки бўлган, тасмали босоножкалар бор.

Энг кичкинтойлар учун турли пинеткалар, ёрқин рангдаги ботинкалар харид қилишингиз мумкин.

Магазинга 7, 11, 43, 62, 59, 76-автобусларда борилади, метронинг «Комсомол» станцияси» бекати.

Магазин соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача.

Дам олиш куни —душанба.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида газета ва журналларни обуначиларга ўз вақтида элтиб берилишини яхшилаш мақсадида

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ОБУНАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ ИШЛАМОҚДА

Газета ва журналларнинг уйингизга элтиб берилиши бузилган тақдирда 0-67 телефон номери бўйича соат 11.00 дан 19.00 гача мурожаат қилинг.

Тошкент шаҳар почта алоқасининг ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ

шаҳардаги йирик корхоналарда (ишчилар сони 3 минг ва ундан ортиқ бўлганда, авиабилетларини комиссион асосларда сотадиган кассаларни келишилган муддат давомида

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

33-29-49, 33-48-62, 56-08-16 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ 35 МИЛЛИМЕТРЛИ — БУЮРТМА ФИЛЬМЛАРГА ЭГА

КЎМИР САНОАТИ —

Ўзбекистон ССР Кўмир саноати министрлиги Глав-УРСнинг ёрдамчи хўжаликлари (СССР Кўмир саноати министрлиги буюртмаси).

Шахта директорининг ишини ташкил этиш (СССР Кўмир саноати министрлиги буюртмаси).

РАНГЛИ ВА ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ —

илғор ишлаб чиқариш-техника тажрибаси (СССР Рангли металлургия министрлиги буюртмаси).

Ишчи кадрларини ўқитишни ташкил этиш (СССР Рангли металлургия министрлиги буюртмаси).

ГЕОЛОГИЯ —

чуқур пармалашни автоматик бошқариш системаси (СССР Геология министрлиги буюртмаси)

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ —

СССРда сутчилик саноати (СССР гўшт-сут саноати министрлиги буюртмаси).

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ —

Парвоз маълумотларини тўплаш ва ишлашнинг комплекс системалари (СССР Авиация саноати министрлиги буюртмаси) —2 қисмли.

НЕФТЬ ХИМИЯСИ САНОАТИ —

Резина пойафзаллар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш (СССР Нефть химияси саноати министрлиги буюртмаси).

Техника углероди ишлаб чиқаришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Нефть ва нефть маҳсулотлари нобудгарчилигига қарши кураш (СССР Нефть химияси саноати министрлиги буюртмаси) —2 қисмли.

Нефть қазиб чиқариш автоматик бошқариш системаси.

«ТРАНСНЕФТЬ» автоматик бошқариш системаси (СССР Нефть саноати министрлиги буюртмаси) — 2 қисмли.

Химия корхоналарида меҳнат хавфсизлигини бошқариш комплекс системаси.

Нефть таъминоти корхоналарида металлар коррозиясига қарши кураш (РСФСР Нефть маҳсулотлари давлат комитети буюртмаси)— 2 қисмли.

ЕНГИЛ САНОАТ —

кийим моделларни ижодий комплекцияси (РСФСР Енгил саноат министрлиги буюртмаси).

Тикувчиларнинг электрон ёрдамчилари (СССР Енгил саноат министрлиги буюртмаси) — 2 қисмли.

Иркутск Моделлар уйининг комплект кийим-кечаклари (РСФСР Енгил саноат министрлиги буюртмаси).

Чарм-галантерея фабрикасида бичиқчилик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш.

ЎРМОН САНОАТИ —

Технология занжири ишлаб чиқариши учун машиналар системаси (СССР «Минлесбумпром» буюртмаси).

«БОБРУЙСИДРЕВ бирлашмасининг илғор тажрибаси (СССР Ўрмон саноати министрлиги буюртмаси).

Ўрмон—чорвачиликка (СССР Ўрмон давлат хўжалиги буюртмаси).

Целлюлоза-қоғоз саноатида юпқа тахталардан фойдаланиш —2 қисмли.

Воронежлик усталар (СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети буюртмаси).

ДИҚҚАТ — ЎРМОН! (СССР Ўрмон давлат хўжалиги буюртмаси).

Қирқиш машиналарига хавфсиз хизмат кўрсатиш (СССР Ўрмон-қоғоз саноати министрлиги буюртмаси).

МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ —

Белоруссия ССРда мелиорация системаларидан фойдаланиш — 2 қисмли.

Дренаж қурилишни комплекс механизациялаш — 2 қисмли.

Мелиорация системаларининг барқарор ишлашини таъминлайлик! (СССР Сув хўжалиги министрлиги буюмлари — 3 қисмли.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

«ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТЛИКЛАРГА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Маиший хизмат шаҳарчасида жойлашган (собиқ Туркман бозори яқинида) бирлашма устахонасида сиз вақт ўтиши билан ранги хиралашиб қолган туфли, этик ёки ботинкаларингизни бўяш учун; пойафзалингиз торроқ бўлса — чўзиш учун беришингиз мумкин. Устахона мутахассислари сиздан оқарган этикларни қабул қилиб, деярли янги, сиз истаган рангдаги этикларни қайтарадилар. Туфли торроқ бўлса-чи? Бу муаммо тез-тез кўпчиликни безовта қилади. Ҳозирги модадаги кўркам туфлиларни сотиб оласиз, афсуски улар бир оз оёқни сиқади. Айнан шундай ҳолларда «Илғор» мутахассислари сизга ёрдамга келади.

Ажабланарлиси шуки, устахонадан сиз ҳеч қандай ўзгармаган туфлиларни оласиз, фақат улар оёғингизга қуйиб қўйгандай мос тушади.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИДА; ТУРКМАН БОЗОРИ ЯҚИНИДА ЖОЙЛАШГАН «ИЛҒОР» БИРЛАШМАСИ УСТАХОНАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



Устахонага 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайлар билан («Аптека» бекати) бориш мумкин.

«ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

электр-газ пайвандчилар, қалайловчилар, токарлар, фрезерчилар, сайқал берувчилар, автоматчилар, слесарь-йиғувчилар ва ремонтчилар, темирчи-штамповкачилар, прессчилар, ускуналарни созловчилар, кўприкли кран машинистлари.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, инженер-механик, диспетчерлик бўлими бошлиғи, инженер-гальваник, химик-аналитик, электрослесарь, слесарь-созловчи.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

кабель бронировкачилари, вальцовкачилар: иссиқ прокат металл, симлар; қуювчилар, кабель буюмларни ўровчилар ва изолировкачилар, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, электрчилар кабелларни синовчилар, юкчилар, ўқчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

план-иқтисод бўлими бошлиғи, инженер-конструктор (электроник), **контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарь, слесарь-ремонтчи, слесарь-сантехник, саноат вентиляциясига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича слесарь, юкчилар.**

«Главташкентстрой»

«ТАШИНЖСТРОЙ» ТРЕСТИГА

экскаватор машинистлари.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмасининг

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, қалайловчилар, прессларда штамповка қилувчилар, механик-йиғув ишлари слесари, слесарь-ремонтчилар, электромонтажчилар, автомашина ҳайдовчилари, қолипловчилар, деҳқонлар, ремонтчи-электромонтёрлар, товаршунослар, инженер-технологлар ва конструкторлар, ишлаб чиқариш мастерлари, кранларнинг машинистлари.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5—6-хоналар.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 48-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

Тошкент шаҳар ўқув-ишлаб чиқариш комбинати коллективи педагогика Советининг аъзоси Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи

Эргаш Алиевич АЛИХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент «Сервис» фирмаси коллективи ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А. Ғ. Ғуломовга отаси

Маннон Ғуломович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГПС. Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-9050.

5 АПРЕЛЬ, 1983 й. Р—07160 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.